

«Аллоҳу акбар»нинг маъноси



Аллоҳнинг Ўзигагина ҳамдлар, Унинг пайғамбари, пайғамбарининг оиласи ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Сўнг...

Баъзи уламолар «Аллоҳу акбар» (Аллоҳ буюкроқдир)нинг маъноси «Аллоҳ кабир» (Аллоҳ буюқдир)дир, деб даъво қилишди. Бу жуда заиф даъводир. Чунки, ҳар бир инсон «кабир» (буюқ) билан «акбар» (буюкроқ)нинг фарқини билади.¹

Тўғри Аллоҳ Ўзини: «**Кабирул Мутаъал**» («Буюқ ва Юксак Зотдир», Раъд: 9), деб номлади. Аммо «акбар»нинг маъноси «кабир»нинг маъносидан бошқадир. Улар Холиқ билан махлуқнинг орасидаги афзалликка киришишдан қочишди ва бу қочишлик улар қочган нарсага уларни йўлиқтирди. Улар шундай ҳолатга йўлиқишдики, агар бу сўзни зоҳирини олсак махлуқ билан Холиқ тенг бўлиб қолмоқда.²

Бу баъзиларнинг мана бу оятни тафсир қилганига ўхшайди, Аллоҳ таъоло айтади: «**Албатта Роббингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни яхшироқ билувчидир**» (Қалам: 7). Айтишдики: «У билувчидир (яъни, Роббингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни яхши билувчидир), чунки агар билувчироқ, десангиз афзалроқ ва мафзул (афзал бўлмаган, ўзаро солиштириш ҳосил) бўлишини тақозо қилади».

Айтамиз: Аллоҳ ҳамма билувчилардан билувчироқ бўлишга нима тўсқинлик қилади? Аммо, Аллоҳ билувчи десанг, унинг шериги борлигини инкор қилмайдиган сўз айтган бўласан. Чунки, сен Аллоҳ билувчи ва фалончи билувчи, деган бўласан. Қайси бири васф қилишда ҳаққа яқинроқ, шериги йўқлигини ифода қиладиган лафзни айтганингми, у ҳам бўлса мутлоқ афзаллик, ёки шериги йўқлигини ифода қилмайдиган лафзни айтганингми?

Жавоб: Аввалгиси афзалдир. Аллоҳ Ўз нафси ҳақида айтади: Аллоҳ билувчироқ. Қандай қилиб сен: Аллоҳ билувчи, дейсан? Бу сўзларда маънодаги нуқсон бордир.

Демак, биз айтамизки: Аллоҳу акбар – Аллоҳ буюкроқдир, исми тафзил бобида. Бу ерда мафзул (афзал бўлмаган нарса) ҳар қандай нарса бўлиши мумкинлиги учун ҳазф қилинган (туширилган). Аллоҳ аzza ва жалла ҳамма нарсадан буюкроқдир. Билувчироқдир сифати ҳақида ҳам шундай дейилади (Аллоҳ ҳамма нарсадан билувчироқдир).

Аллоҳ пайғамбаримиз Муҳаммадга, Унинг оиласи ва саҳобаларига салавоту саломлар йўлласин.

Араб тилидаги манба: <http://www.ibnothaimen.com/all/books/ar...8056.shtml>

Шайх Муҳаммад ибн Солиҳ Усаймин

Манба: [Тавҳид форуми](#)

¹ Бир сифатнинг бир нарса ёки шахсда бошқадагига нисбатан кўпроқ ва ортиқроқлигини билдирган исм исми тафзил (қиёсий сифат) деб аталади. Ўзбек тилида қиёсий сифатга кўпинча «роқ» қўшимчаси қўшилади ёки «-дан кўра», «нисбатан» каби сўзлар билан ифодаланади. Масалан: «тезроқ», «ўткирроқ».

² Араб тилида «кабир» сифати махлуқотларга ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида ҳам буюқ ёки улуғ деган сифатлар инсонлар, шаҳарлар ва бошқа нарсаларга ҳам ишлатилади.